



БАНК КАРТАЛАРИ ОРҚАЛИ СОДИР ЭТИЛАЁТГАН ЎЗГАЛАР МУЛКИНИ ТАЛОН-ТАРОЖ ҚИЛИШ БИЛАН БОҒЛИҚ ЖИНОЯТЛАР БЎЙИЧА АЙРИМ МУЛОҲАЗАЛАР

Хидиров Мехрож Қилич ўғли

Тошкент шаҳар Миробод тумани ИИБ терговчиси

<https://doi.org/10.5281/zenodo.6603402>

MAQOLA TARIXI

Qabul qilindi: 10- may 2022

Ma'qullandi: 14- may 2022

Chop etildi: 31- may 2022

KALIT SO'ZLAR

Банк, карталар, ўзгалар
мулки, талон-тарож
қилиш, жиноятлар,
олдини олиш, тўлов
ташкilotи, тўлов
tizими, хавфсизлик,
пластик карта.

ANNOTATSIYA

Мазкур мақолада банк карталари орқали содир этилаётган ўзгалар мулкини талон-тарож қилиш билан боғлиқ жиноятлар бўйича айрим мулоҳазалар таҳлил этилган. Бундан ташқари, мазкур мақолада банк картасининг йўқолганлиги ёки ундан рухсатсиз фойдаланилган ҳолатларда юзага келаётган оқибатлар ҳам баён этилган

XXI асрда техника ва технологияларнинг ривожланишидаги шиддатли жараёнлар жиноятчилик ҳолати, миқдор ва сифат кўрсаткичлари, содир этилиш усул ва воситаларига ҳам сезиларли даражада таъсир кўрсатмоқда. Хусусан, фуқароларнинг банк карталаридаги пул маблағларини турли йўллар билан талон-тарож қилиш ҳолатлари кундан-кунга кўпайиб бормоқда.

Давлатимиз раҳбари томонидан ички ишлар органлари глобал шиддат билан ўзгариб бораётган дунёда замон талабларига мос равишда мутлақо янгича усуллар билан иш фаолиятини ташкил этиши зарурлигини, киберхавфсизликни таъминлаш ва кибержиноятчиликка қарши курашиш

бўйича изчил иш олиб бориш зарурлиги таъкидлаб ўтилгани бежизга эмас.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 19 сентябрдаги ПҚ-3945-сон “Миллий тўлов тизимини ривожлантириш чоратадбирлари тўғрисида”ги қарорида аҳолининг банк карталари ва бошқа нақд пулсиз ҳисоб-китоб усулларига хавфсиз ва қулай тўлов воситаси сифатида бўлган ишончи ошганлиги, шу билан бирга, чакана тўловларни қайта ишлаш бўйича давлат процессинг марказининг мавжуд эмаслиги миллий тўлов тизимининг хавфсизлиги даражасига салбий таъсир кўрсатётгани қайд этилган.

Ички ишлар органларига банк карталари ва банк ҳисобварақларидан



пул маблағларининг талон-торож қилиниши ҳолатлари бўйича 2020 йилда 965 та, 2021 йилда 1601 та мурожаатлар келиб тушган.

Банк карталаридаги пул маблағларини талон-торож қилиш усулларини таҳлил қилишдан олдин уларининг миллий тўлов тизимига жорий этилишига тўхталиб ўтсак.

Таъкидлаш жоизки, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 24 сентябр кундаги “Пластик карталар орқали ҳисоб-китоб тизимини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 445-сонли қарори (ҳозирда кучини йўқотган)га асосан Ягона умумреспублика процессинг маркази ташкил этилиб, “Uzcard” тўлов тизими фаолият юрита бошлаган.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2018 йил 19 сентябрдаги ПҚ-3945-сон “Миллий тўлов тизимини ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори асосан банклараро тўлов тизими ва клиринг марказининг фаолият юритиши учун маълумотларни қайта ишловчи Ўзбекистон Республикаси Марказий банкининг Миллий банклараро процессинг маркази – “HUMO” тўлов тизими ишга туширилди.

2019 йил 1 ноябрда Ўзбекистон Республикасининг “Тўловлар ва тўлов тизимлари тўғрисида”ги Қонуни қабул қилинди. Ушбу қонун билан банк картасини чиқариш, ундан фойдаланган ҳолда тўловларни амалга ошириш тартиби, банк картасидан рухсатсиз фойдаланиш ҳолатларида амалга ошириладиган ҳаракатлар тизими, улардан фойдаланган ҳолда банклараро тўловлар бўйича операцияларни амалга

оширишнинг ўзига хос хусусиятлари батафсил тартибга солинди.

Унга кўра, банк картасининг йўқолганлиги ёки ундан рухсатсиз фойдаланилган ҳолатлар бўйича қуйидаги қоидалар мустаҳкамланган:

- 1) банк картасининг эмитенти (банк муассасаси) банк картаси йўқолганлиги ёки ундан рухсатсиз фойдаланилганлиги тўғрисидаги хабарномани туну кун юбориш имконияти билан таъминлаши шарт;
 - 2) бундай ҳоллар юз берганда картани сақловчи банк муассасасини бу ҳақда хабардор қилиши шарт эканлиги, акс ҳолда барча таваккалчиликлар ўзининг зиммасида бўлиши;
 - 3) хабарнома асосида банк картаси дарҳол блокировка қилиниши;
 - 4) тегишли банк муассасаси хабарнома олинганидан кейин банк картасидан рухсатсиз фойдаланилганлик учун жавобгар бўлиши;
 - 5) банк картасини сақловчи шахслар томонидан ундан фойдаланишнинг шартномада назарда тутилган хавфсизлик чораларига риоя этилмаганлиги ёки банк картасидан фойдаланиб жиноятлар содир этишда иштирок этилганлиги банк картасидан рухсатсиз фойдаланилганлиги натижасида йўқотилган пул маблағлари суммасининг ўрнини қоплашни рад этилишига олиб келади.
- Ўзбекистон Республикаси Марказий банки бошқарувининг 2021 йил 10 мартдаги 28/21-сон “Ўзбекистон Республикаси ҳудудида банк карталарининг чиқарилиши ва муомалада бўлиши қоидалари тўғрисидаги низомни тасдиқлаш ҳақида”ги қарорида эмитент банк



картаси сақловчиси олдидаги жавобгарлигини истисно қилувчи ҳолатларга ойдинлик киритилган. Унга кўра:

банк картаси сақловчиси шартномада белгиланган қоида ва тартибларни бузганда;

банк картаси сақловчиси томонидан ноқонуний ҳаракатлар содир этилганда; банк картасининг йўқолганлиги ёки ундан рухсатсиз фойдаланилганлиги ҳолати бўйича эмитент хабардор қилинмаганда;

банк картасига боғлиқ маълумотлар (ШИР код, бир марталик СМС код ва бошқалар) мижоз томонидан учинчи тарафга маълум қилинган эмитент банк картаси сақловчиси олдида жавобгар ҳисобланмайди.

Юқоридагилардан кўриниб турибдики, мамлакатимизда банк картасининг йўқолганлиги ёки ундан рухсатсиз фойдаланилган ҳолатларда шахсларга тегишли пул маблағларининг талон-тарож қилинишининг олдини олишга қаратилган норматив-ҳуқуқий база яратилган.

Назаримизда, асосий муаммо республикаимиз аҳолиси томонидан мазкур қоидаларни билиш ва уларга риоя қилиниши билан боғлиқ. Аксарият ҳолларда, банк картасидан электрон тўлов тизимлари ва мобил иловалар орқали нақд пулсиз операцияларни амалга оширишда хавфсизлик қоидаларига амал қилинмаслиги, ШИР код (шахсий идентификация рақами) ёки бир марталик СМС коднинг бошқа шахсларга ошкор қилиниши натижасида пул маблағларининг таон-тарож қилиниши ҳолатларига йўл қўйилади.

Мисол учун, 2020 йил 19 декабрь куни номаълум шахс Шофиркон туманида яшовчи фуқаро Ж.А.га телеграм ижтимоий тармоғидаги “Omad Shou AKSIYA” каналининг бонусли гуруҳига одам қўшиш орқали 200.000 сўм миқдоридаги пулларни ютиб олганлигини айтиб, унинг банк картаси ҳамда “click” махфий коддини олишга эришиб, банк картасидан жами 1.105.000 сўм пул маблағларини талон-тарож қилган.

Бундан ташқари, 2021 йил 19 март куни номаълум шахс интернет тармоғида фуқаро А.С. билан кийим-кечак савдоси билан шуғулланувчи “Телеграм” мессенджерида ташкил этилган гуруҳ орқали ёзишмаларни амалга ошириб, банк карталари орқали тўлдовларни амалга ошириши ва кийим-кечак сотиб олишини маълум қилиб, “click” тизимида кириш имконини берувчи махфий кодни қўлга киритган ҳамда 2.419.000 сўм миқдоридаги пул маблағини талон-тарож қилган.

Булардан ташқари, банк карталаридаги пул маблағларини талон-тарож қилишнинг бошқа бир қатор усуллари бизга маълум. Масалан:

- ижтимоий тармоқлардаги маълум бир гуруҳ аъзоларига, гуруҳ маъмурлари номидан тасодифий тарзда аниқланадиган “акцияда” ғолиб бўлганлиги ҳақида хабар юбориб, пул мукофотини банк картасига ўтказишни ваъда қилиш ҳамда SMS орқали келган “тасдиқлаш коди”ни қўлга киритиш;
- Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳамда Ўзбекистон Республикаси Президентининг расмий веб-сайтларига ўхшаш бўлган сохта веб-ресурслар орқали фуқароларга моддий



ёрдам берилиши ҳақидаги “фейк” хабар тарқатиш орқали банк карта рақамларини ҳамда SMS хабарномада кўрсатилган махфий кодларни қўлга киритиш ;

– ўзини банк муассасаси, тўлов ташкилоти ёки тўлов тизими операторининг номидан хавфсизлик, пластик карта, мижозларни қўллаб-қувватлаш ёки бошқа бўлим ходими деб таништириб, мижознинг мобил иловаси бузилгани, банк картаси блок ҳолатига тушгани, картадан ноқонуний пул ечиб олишга уринишлар бўлаётгани каби турли уйдирмалар билан алдаш орқали SMS хабарномадаги бир марталик махфий кодларни аниқлаш ;

– тўлов агрегаторларига (рауме, click, oson ва бошқалар) боғланган телефон рақами ва банк пластик

карточкаларидан тўловни амалга ошириш учун SMS орқали юбориладиган 4 талик махсус код-рақамини ноқонуний йўл билан эгаллаб олиш ва шу кабилар.

Бу каби ҳолатларнинг олдини олиш учун банк карталари орқали содир этиладиган ўзгалар мулкни талон-тарож қилиш жиноятларининг ҳуқуқий тавсифи, жиноий-ҳуқуқий ва криминалистик жиҳатларини атрофлича тадқиқ қилиш, жиноятларнинг содир этилиш сабаблари ва уларга имкон бераётган шарт-шароитларни тергов йўли билан аниқлаш бўйича илмий асосланган таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш ҳамда қонунчиликни такомиллаштиришга қаратилган таклифлар ишлаб чиқиши бугунги кун талабидир.